

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОДИРОВА ДИЛРАБО АБДУКАРИМОВНА**

**СУРХОН-ШЕРОБОД ВОДИЙСИ ДЕГРАДАЦИЯГА УЧРАГАН  
ТУПРОҚЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ ВА МАКОН-ЗАМОНДА  
ЎЗГАРИШИНИНГ БИОДИАГНОСТИКАСИ**

**03.00.13-Тупроқшунослик**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

**Биология фанлари бўйича фан доктори (DSc)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)  
по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)  
on biological sciences**

**Қодирова Дилрабо Абдукаримовна**

Сурхон-Шеробод водийси деградацияга учраган тупроқларининг  
ҳолати ва макон-замонда ўзгаришининг биодиагностикаси..... 3

**Қадирова Дилрабо Абдукаримовна**

Биодиагностика состояния и пространственно-временных изменений  
деградированных почв Сурхан-Шерабадской долины..... 27

**Kadirova Dilrabo Abdukarimovna**

Biodiagnostics of state and spatial-temporal changes of degraded soils of  
Surkhan-Sherabad valley..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 53

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОДИРОВА ДИЛРАБО АБДУКАРИМОВНА**

**СУРХОН-ШЕРОБОД ВОДИЙСИ ДЕГРАДАЦИЯГА УЧРАГАН  
ТУПРОҚЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ ВА МАКОН-ЗАМОНДА  
ЎЗГАРИШИНИНГ БИОДИАГНОСТИКАСИ**

**03.00.13-Тупроқшунослик**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.DSc/B87 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (<http://www.ziyounet.uz>) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Гафурова Лазизахон Акрамовна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Уразбаев Исматулла Уматович**  
биология фанлари доктори, доцент

**Исағалиев Муроджон Тўйчибоевич**  
биология фанлари доктори, доцент

**Нарбаева Хуршида Сапарбаевна**  
биология фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси 3 уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: [info@soill.uz](mailto:info@soill.uz)).

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси 3 уй. Тел.: (+99871) 246-15-38

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_даги №\_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**Р.Қ.Қўзиёв**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
б.ф.д., профессор

**Н.Ю.Абдурахмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

**М.М.Тошқўзиёв**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда глобал экологик инқироз таҳдидларининг кучайиб бориши тупроқ деградацияси жараёнларини жадаллашувига олиб келмоқда. «Тупроқ деградацияси натижасида йилига дунёда ўртача 8-10 миллион, максимал баҳолашга кўра эса ҳатто 15-20 миллион гектар унумдор ерлар қишлоқ хўжалиги фойдаланувидан чиқиб кетмоқда»<sup>1</sup>. Шу сабабли тупроқда кечадиган биологик жараёнларни тартибга солиш ва мақбуллаштириш деградацияга учраган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда тупроқ қопламани муҳофаза қилишга қаратилган масалаларнинг илмий асосланган амалий ечимини топишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда тупроқ деградацияси турлари ва уни келтириб чиқарувчи омиллар тўғрисидаги маълумотларни тизимлаштириш, тупроқ хосса-хусусиятларига деградация жараёнларининг таъсирини аниқлаш, тупроқ биологик фаоллигининг ички ва ташқи муҳит омиллари билан ўзаро алоқадорлигини таҳлил қилиш, тупроқ тизимларини турли салбий омилларга чидамлилиқ даражасини объектив ва ишончли баҳолашнинг биодиагностика услубларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, деградацияга хавfli ерларни тез ва сифатли аниқлаш мақсадида анъанавий усулларга нисбатан тежамкор ва самарали ҳисобланган геоахборот технологияларини қўллаган ҳолда яратилган картографик асослар ёрдамида тупроқ қопламани инвентаризация ва мониторинг қилиш, узоқ муддатли башоратлаш, деградациянинг олдини олишга оид илмий тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда тупроқ унумдорлигини турғун даражасини сақлаш, қишлоқ хўжалик экинларини ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган шароитни яратиш мақсадида тупроқларнинг агрофизикавий, агрокимёвий хоссаларини яхшилаш билан бир қаторда тупроқнинг биологик фаоллигини ошириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада тупроқларнинг биологик ҳолатини баҳолашда унинг диагностик кўрсаткичлари, яъни микроорганизмлар, ферментлар фаолияти ва нафас олиш жадаллигининг кўламини муайян физик-географик шароитларда ўзгариш динамикасини аниқлаш асосида тупроқ қопламига деградация жараёнларининг таъсир даражасини тавсифлаш улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда

<sup>1</sup> <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/2016/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилда 31 майдаги ПФ-5065-сон «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чоратadbирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Деградацияга учраган тупроқларнинг ҳолати ва макон-замонда ўзгаришининг биодиагностикасига қаратилган илмий-тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Faculty of biotechnology, University of Ghent (Бельгия), Lancaster Environment Center, University of Lancaster (Буюкбритания), Texas Agriculture and Mechanical University; Department of Agricultural and Biosystems Engineering, Iowa State University (АҚШ), Wageningen University (Голландия), State Key Laboratory of Agricultural Microbiology, Huazhong Agricultural University (Хитой), шунингдек В.В.Докучаев номидаги Тупроқшунослик институти; М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия), Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти ва ЎзФА Микробиология институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Тупроқларнинг унумдорлик кўрсаткичларини турли омиллар таъсирида ўзгаришининг биодиагностикаси бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: деградация жараёнлари таъсирида тупроқнинг диагностик параметрларини ўзгаришини моделлаштириш орқали унинг экологик оқибатларини баҳолаш ва тупроқни муҳофаза қилиш стратегиялари ишлаб чиқилган (Faculty of biotechnology, University of Ghent); тупроқ - микроорганизм - ўсимлик тизимини бошқариш ва биологизация услубларини қўллаган ҳолда тупроқ унумдорлигини ошириш агротехнологиялари ишлаб чиқилган (Texas Agriculture and Mechanical University); иқлим ўзгариши шароитида ер ресурсларидан барқарор фойдаланиш мақсадида деградация жараёнларининг таъсир даражасини камайтириш ва тупроқ хоссаларини яхшилаш

<sup>3</sup> <https://www.ugent.be/bw/biotechnology/en/>; <https://www.lancaster.ac.uk/lec/>; <https://www.tamu.edu/>; <https://www.abe.iastate.edu/>; <https://www.wur.nl/en/>; <https://www.natureindex.com/>

технологиялари такомиллаштирилган (Lancaster Environment Center, University of Lancaster); замонавий ГАТ технологиялари асосида тупроқларнинг хосса-хусусиятлари акс эттирилган электрон мавзули хариталарни яратиш тупроқ қоплами ҳолатини аниқлаш ва баҳолашда қатор афзалликларга эгаллиги исботланган (Department of Agricultural and Biosystems Engineering, Iowa State University, В.В.Докучаев номидаги Тупроқшунослик институти, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети); биологик фаоллик тупроқнинг функционал ва кўп омилли тавсифи бўлиб, уни табиий ва антропоген омилларга боғлиқ ҳолда ўзгариши исботланган (State Key Laboratory of Agricultural Microbiology, Huazhong Agricultural University).

Бугунги кунда дунёда деградацияга учраган тупроқлар диагностикасида биологик усуллардан фойдаланиш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тупроқларнинг деградацияланиш даражаси ва экологик ҳолатини баҳолаш мақсадида биологик диагностиканинг тест-тизими услубларини такомиллаштириш; турли омиллар таъсирида ўзгарган тупроқларнинг потенциал биологик фаоллиги ва тупроқ тизимларининг деградация жараёнларига чидамлилиқ даражасини аниқлашнинг илмий асосларини яратиш; қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва тупроқ унумдорлигини оширишда биологик хоссаларини мақбуллаштириш; ерлардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни ҳимоялашга қаратилган агробιοтехнологияларни қўллаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизда биологик фаолликнинг тупроқ унумдорлигидаги аҳамияти ва уни муҳитнинг экологик-географик шароитлари билан чамбарчас боғлиқ равишда ўзгаришини ўрганиш бўйича турли йилларда кенг қамровли тадқиқот ишлари Х.Т.Рискиева, Л.А.Гафурова, Й.Б.Саимназаров, А.Ж.Боиров, Г.М.Набиева, Г.И.Джуманиязова, Х.Н.Каримов, З.А.Жабборов, Х.С.Нарбаева, О.В.Мячина, М.Э.Саидова ва бошқалар томонидан олиб борилган. Замонавий геоахборот тизимларини қўллаган ҳолда турли географик минтақаланиш шароитида тарқалган деградацияга учраган ерларни аниқлаш, хариталаш усулларини такомиллаштириш ва тупроқ унумдорлигини моделлаштиришга оид тадқиқотлар Р.Қ.Қўзиев, Н.Ю.Абдурахмонов, Г.Т.Джалилова ва З.А.Баҳодировлар томонидан бажарилган. Лекин, деградацияга учраган тупроқларнинг ҳолатини ва макон-замонда ўзгаришини тупроқнинг биологик кўрсаткичлари ёрдамида ташхислаш ва геоахборот тизимлари асосида картографик моделларини яратиш борасида илмий изланишлар етарлича амалга оширилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ишлари режаларининг К7-012 «Сурхондарё вилояти суғориладиган тупроқларининг биологик фаоллигини ошириш, эрозия жараёнларининг

хавфлилик даражасини ГАТ технологиялари асосида аниқлаш» (2009-2011 йй.) мавзусидаги амалий, ҚХФЁ-5-003 «Арид тоғ тупроқ ҳосил бўлиш шароитларида эрозияланган тупроқларнинг генезиси, таркиби, хоссалари ва биологик фаоллигининг ўзига хос регионал хусусиятларини аниқлаш» (2012-2013 йй.) мавзусидаги ёш олимларнинг фундаментал ҳамда ҚХА-7-075-2015 рақамли «Тоғ минтақаси тупроқларининг агроэкологик ҳолатини баҳолаш мақсадида замонавий географик тизимлар асосида картографик асосларни ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** комплекс тизимли ёндашган ҳолда Сурхон-Шеробод водийсида тарқалган тупроқлар биологик ҳолатининг информатив кўрсаткичлари асосида тупроқ биодиагностикаси мезонларини ишлаб чиқиш ва геоахборот технологиялари ёрдамида картографик моделларини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

худудда географик минтақаланиш шароитида тарқалган тупроқларнинг хосса-хусусиятларини биологик фаолликдаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда деградация жараёнлари таъсирида ўзгаришини аниқлаш;

худуднинг ўзига хос регионал тупроқ-иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда биологик хоссаларини макон-замонда ва деградация жараёнлари таъсирида ўзгаришини ўрганиш;

тупроқ унумдорлигининг диагностик кўрсаткичлари ва биологик фаоллиги ўртасидаги корреляцион боғлиқликларни аниқлаш;

тупроқ биологик ҳолатининг информатив кўрсаткичларини деградация жараёнларига таъсирчанлигини ва тупроқ биодиагностикасида қўлланилиш имкониятини баҳолаш;

тупроқларнинг экологик-биологик ҳолатининг интеграл кўрсаткичини (ТЭБҲИК) ҳисоблаш ва улар асосида умумий биологик фаоллиги даражасини баҳолаш мақсадида биодиагностика мезонларини ишлаб чиқиш;

геоахборот тизимлари асосида интерполяция услубларидан фойдаланган ҳолда биологик фаолликнинг ҳар бир информатив кўрсаткичларининг ҳудудий ўзгариш хусусиятларини акс эттирувчи картографик моделларини тузиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Сурхон-Шеробод водийсининг тоғ ва тоғ олди минтақаси (лёссимон ва учламчи давр ётқизикларида шаклланган тўқ тусли бўз, тоғ жигарранг карбонатли ва тоғ жигарранг типик тупроқлар), бўз тупроқлар (эскидан суғориладиган ботқоқ-ўтлоқи, ўтлоқи, бўз-ўтлоқи, ўтлоқи-бўз, оч тусли бўз, янгидан суғориладиган типик бўз, янгидан ўзлаштирилган ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар) ва чўл минтақаси шароитида (эскидан суғориладиган сур-қўнғир, эскидан ва янгидан суғориладиган тақир-ўтлоқи, ўтлоқи-тақир, ботқоқ-ўтлоқи, ўтлоқи, тақирсимон-ўтлоқи, ўтлоқи кумли-чўл, чўл-ўтлоқи) тарқалган тупроқлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** биологик фаолликнинг информатив кўрсаткичлари, макон-замонда ўзгариши, эрозия, шўрланиш, тупроқнинг

хосса-хусусиятлари, картографик моделлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дала ва лаборатория тадқиқотлари умумқабул қилинган стандарт услублар бўйича амалга оширилган. Изланишларда профил-генетик, қиёсий-географик ва кимёвий-аналитик усулларидан фойдаланилди. Таҳлиллар «Методы почвенной микробиологии и биохимии», «Методы почвенной энзимологии», «Биологическая диагностика и индикация почв: методология и методы исследований», «Руководство по химическому анализу почв» қўлланмалари бўйича бажарилди. Суяқ озика муҳитидаги микроорганизмлар миқдорини ҳисоблаш Мак-Креди жадвали асосида олиб борилди. Тупроқ унумдорлигининг диагностик кўрсаткичлари ва биологик фаоллиги ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар Statgraphics Centure XVII дастури ёрдамида аниқланди. Маълумотларни статистик қайта ишлаш жараёни Irristat дастурининг Balanced Anova (BAOV) пакети орқали амалга оширилди. Турли картографик моделларни яратишда ArcGIS дастурининг IDW интерполяция усулидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор биологик фаолликнинг қатор информатив кўрсаткичлари асосида тупроқ экологик-биологик ҳолатининг интеграл кўрсаткичининг (ТЭБҲИК) қиймати аниқланган;

муайян географик шароитларда шаклланган ҳар бир тупроқ типи ва типчаларининг умумий биологик фаоллик даражаси аниқланган;

тупроқларда микроорганизм гуруҳларининг тарқалиши, миқдори ва биокимёвий фаоллигининг макон-замонда ҳамда деградация жараёнлари таъсирида ўзгариши аниқланган;

тупроқларни биологик фаолликнинг ҳар бир информатив кўрсаткичлари бўйича таъминланганлик ва фаоллик даражаси аниқланган;

тупроқларнинг агрокимёвий, агрофизикавий хоссалари ва биологик фаоллиги ўртасида узвий корреляцион боғлиқликлар аниқланган;

интеграллашган умумий биологик фаоллик қиймати тупроқ унумдорлигига деградация жараёнларининг таъсир даражасини аниқлашда диагностик кўрсаткич бўлиб хизмат қилиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ҳудуд тупроқлари биологик ҳолатининг информатив кўрсаткичлари ва ТЭБҲИК қийматининг ҳудудий ўзгаришини акс эттирувчи ҳамда тупроқ қоплами ҳолатини баҳолашда замонавий ёндашиш имконини берувчи картографик моделлари тузилган;

ТЭБҲИК қиймати асосида тупроқларнинг умумий биологик фаоллиги даражасини баҳолаш имконини берувчи биодиагностика мезонлари ишлаб чиқилган;

ТЭБҲИК қиймати бўйича ҳудуд тупроқлари деградацияга учраганлик даражасига кўра гуруҳларга ажратилган ва тупроқнинг биогеоценотик функцияларини бузилиши баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Натижаларнинг

ишончлилиги кўйилган вазифалар комплекс ёндашув асосида ечилганлиги, назарий ва амалий натижаларни бир-бирига мослиги, тадқиқотлар тупроқшунослик ва тупроқ биологияси соҳасининг замонавий ривожланиш тенденцияларига мос равишда бажарилганлиги, маълумотларга статистик ишлов бериш Irristat компьютер дастурининг Balansed Anova (BAOV) пакети, корреляцион боғлиқликлар Statgraphics Centure XVII дастури асосида стандарт услублар ёрдамида олиб борилганлиги, тадқиқотларда дунё миқёсида кенг қўлланилаётган замонавий геоахборот технологияларидан фойдаланилганлиги, тадқиқот натижаларининг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги ва амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тупроқ микроорганизмлари турли гуруҳларининг миқдори ва биокимёвий фаоллигининг макон-замонда ўзгариши тупроқда озика моддаларини тўпланиши, динамикаси, ўсимлик қолдиқларини парчаланиши, гумус моддаларини синтези ва минерализацияси каби қатор биологик жараёнларнинг йўналишини тавсифлаш, тупроқ ҳосил бўлиши ва унумдорлигида биологик омилларни аҳамиятини белгилашга оид диагностик-индикацион масалаларни ҳал этишда концептуал асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий геоахборот технологиялари асосида яратилган турли мавзули картографик моделлар тупроқлар ҳолатини мониторинг қилиш, гумус, озика элементлари билан таъминланганлик ва биологик фаоллиги даражасига кўра ўғитлардан самарали фойдаланиш, тупроқлар биодиагностикаси турли салбий омилларга тупроқ тизимларининг чидамлилиқ даражасини баҳолаш, тупроқнинг барқарор унумдорлигини таъминлашда биологик жараёнларни тартибга солиш ва мақбуллаштиришга йўналтирилган деградацияга қарши комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини бериши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурхон-Шеробод водийси тупроқларининг биологик ҳолати ва уларни макон-замонда ўзгаришининг биодиагностикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳудуд тупроқларининг агрокимёвий (ҳаракатчан фосфор ва калий) хоссалари акс эттирилган мавзули хариталар Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 21 ноябрдаги №02/020-206-сон маълумотномаси). Натижада ҳудуд ерларининг озика элементлари билан таъминланганлик даражасига кўра қишлоқ хўжалик экинларини оқилона жойлаштириш ва суғориладиган ерларда ўғитларни дифференциал қўллаш имконини берган;

тупроқларнинг биологик ҳолатининг информатив кўрсаткичлари ва ТЭБҲИК қийматининг ҳудудий ўзгаришини тавсифловчи картографик моделлар тўплами Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 21 ноябрдаги №02/020-206-сон маълумотномаси). Натижада ҳудуд тупроқлари унумдорлигини мониторинг қилиш, қишлоқ хўжалигининг барқарор

ривожланиши учун тупроқлар биологик потенциалини ошириш ва деградацияга қарши комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини берган;

тупроқнинг умумий биологик фаоллиги даражасини ва деградация жараёнларига таъсирчанлигини аниқлаш имконини берувчи биодиагностика мезонлари Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 23 ноябрдаги 03-03/2-4530-сон маълумотномаси). Натижада тупроқларнинг экологик-биологик ҳолатини мониторинг қилиш ва деградация жараёнлари таъсирида тупроқнинг биогеоценотик функцияларини бузилишини баҳолаш имконини берган;

тупроқларнинг экологик ҳолатини белгиловчи тупроқнинг устки қатламида CO<sub>2</sub> гази ажралиб чиқишини тавсифловчи картографик модели Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 23 ноябрдаги 03-03/2-4530-сон маълумотномаси). Натижада иссиқхона газларининг умумий оқимини баҳолаш ва иқлим ўзгариши шароитида агросферани адаптациясига оид тадбирларни ишлаб чиқиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 16 та, жумладан 9 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий мақола чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 9 таси республика, 1 таси хорижий журналда нашр этилган. Олинган натижалар асосида 2 та маълумотлар базаси тузилган ва муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 6 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Деградацияга учраган тупроқларнинг биологик

**хоссалари ва макон-замонда ўзгаришининг биодиагностикаси»** деб номланган биринчи боби икки қисмга бўлинган бўлиб, «Тупроқ биологик фаоллигининг энг информатив кўрсаткичлари ва уларга тупроқ-экологик омилларининг таъсири» деб номланган биринчи қисмида тупроқдаги жараёнларнинг йўналиши ва характерини аниқлашда ҳамда деградация жараёнларининг таъсир даражасини баҳолашда биологик фаолликнинг кўрсаткичларини аниқлаш зарурлиги тўғрисидаги турлича ёндашувлар таҳлили келтирилган. «Тупроқ қоплами деградациясини баҳолаш ва хариталашнинг замонавий усуллари» деб номланган иккинчи қисмида республикамиз ва чет давлатларда тупроқларнинг деградацияга учраш омиллари, келиб чиқиш сабаблари, уларни олдини олишда замонавий геоахборот ёндашувлари тўғрисидаги тадқиқотлар кенг ёритилган. Адабиётлар шарҳининг якунида деградацияга учраган тупроқларнинг биологик фаоллигини комплекс ўрганиш ва уларнинг картографик моделларини яратиш асосида тупроқ унумдорлик ҳолатини мониторинг қилиш, биологик потенциални баҳолаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида хулосалар қилинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот объектининг табиий-тупроқ пайдо қилувчи шароитларининг деградация жараёнларининг рўй беришидаги аҳамияти ва қўлланилган услублар»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ҳудудининг ўзига хос табиий шароитларининг тупроқ шаклланиши ва деградация жараёнларидаги аҳамияти, тупроқ қопламининг турли-туманлиги, яъни тадқиқ этилган ҳудуд Ўзбекистон учун хос бўлган чўл ва текислик минтақасидан баланд тоғ минтақасигача бўлган ландшафтларнинг барча типларини қамраб олиши, олиб борилган топографик-геодезик тадқиқотлар ва қўлланилган услублар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ҳудуди тупроқлари унумдорлигининг диагностик кўрсаткичлари ва уларга деградация жараёнларининг таъсири»** деб номланган учинчи бобида ҳудуд тупроқларининг хосса-хусусиятларига деградация (эрозия, шўрланиш) жараёнларининг таъсирини ўрганиш бўйича олинган тадқиқот натижалари келтирилган.

Ўрганилган тупроқларнинг морфологик кўрсаткичларини ўрганиш Сурхон-Шеробод водийси тупроқ қопламининг тузилиши ҳудуднинг рельефи, тупроқ ҳосил қилувчи она жинсларнинг хусусияти ва тупроқларнинг географик тарқалишига чамбарчас боғлиқлигини кўрсатди. Морфологик белгиларига кўра, тадқиқот объектининг тўқ тусли бўз тупроқларидан тоғ жигарранг типик тупроқлари томон гумусли қатлам қалинлигини ортиши, лойланиш қатламини аниқроқ ифодаланиши, карбонатли қатламни чуқурроқ ётиши каби морфологик белгилар характерли бўлса, бўз тупроқлар минтақасининг суғориладиган тупроқлари агроирригацион қатламга эгаллиги билан фарқланади. Чўл минтақаси тупроқларидаги намланиш режимининг ўта ўзгарувчанлиги ва шўрланиш жараёни тупроқ профили тузилишининг хилма-хиллигида ўз аксини топади.

Ўрганилган тоғ жигарранг, тўқ тусли бўз ва суғориладиган бўз

тупроқлар турли шаклланиш шароити ва деграция жараёнларига боғлиқ равишда механик таркибига кўра, асосан, ўрта ва оғир, баъзи ҳолларда енгил кумоқлардан иборатлиги кузатилди. Ҳудуднинг чўл минтақаси тупроқлари механик таркибининг кескин ўзгарувчанлиги билан характерланади. Баъзи ҳолларда тупроқ профили бўйлаб кумоқли қатламларнинг кумлоқча, кумли қатламларнинг эса созларгача ўзгариши кузатилди.

Ўрганилган ҳудуд тупроқларининг умумий физик хоссалари уларнинг механик таркиби, органик моддалар билан таъминланганлиги, суғориш давомийлиги, эрозияланганлиги ва шўрланганлигига боғлиқ равишда ўзгариб бориши кузатилди. Тоғ жигарранг тупроқларининг устки қатламида ҳажм оғирлиги 1,08-1,21 г/см<sup>3</sup> бўлса, лёссларда шаклланган тўқ тусли бўз тупроқларда бу кўрсаткич 1,30 г/см<sup>3</sup>, учламчи ётқизиқларда шаклланган тўқ тусли бўз тупроқларда эса 1,54 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этади. Солиштирма оғирлик 2,40-2,71 г/см<sup>3</sup>, ғоваклик эса 43,1 дан 55,0% оралиғида ўзгариб туради. Бўз тупроқлар минтақасининг суғориладиган тупроқларида профил бўйлаб ҳажм оғирлиги 1,23-1,52 г/см<sup>3</sup>, солиштирма оғирлиги эса 2,54-2,72 г/см<sup>3</sup> оралиғида тебраниб туради. Тупроқларнинг солиштирма ва ҳажм оғирлигидаги ўзгаришлар ғовакликда ўз ифодасини топади. Ҳудуднинг чўл минтақаси тупроқлари юқори зичликка (1,33-1,58 г/см<sup>3</sup>) ва кам ғовакликка (42,3-47,8%) эгалиги билан характерланади

Тадқиқот ҳудудининг ўзига хос регионал хусусиятлари тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларида акс этади, бунга боғлиқ ҳолда тоғ жигарранг тупроқлари бўз тупроқлар ва чўл минтақаси тупроқларига нисбатан гумус миқдорининг юқорилиги (1,60-4,67%) билан фарқланади. Тадқиқот натижаларига кўра, бўз тупроқлар минтақасида тарқалган тупроқлар орасида эскидан суғориладиган ўтлоқи (1,89%), бўз-ўтлоқи (1,52%) ва ботқоқ-ўтлоқи тупроқлари (1,47%) бирмунча гумусга бойлиги кузатилди. Чўл минтақасининг тупроқлари эса гумусга камбағаллиги билан тавсифланади. Ушбу минтақа тупроқларининг устки қатламида гумус миқдори 0,58-1,21% оралиғида ўзгариб туради. Гумус миқдорига боғлиқ ҳолда умумий азот миқдори тоғ жигарранг тупроқларда 0,120-0,396%, тўқ тусли бўз тупроқларда 0,062-0,160%, бўз тупроқлар минтақасининг суғориладиган тупроқларида 0,078-0,146%, чўл минтақаси тупроқларида эса 0,034-0,120% ни ташкил этади. Ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий билан ҳудуд тупроқлари, асосан, жуда кам, кам ва ўртача, камдан-кам ҳолларда юқори таъминланган тупроқларга мансублиги аниқланган.


Ўрганилган тупроқлар эрозияланиш даражаси, суғориш давомийлиги ва тупроқ ҳосил қилувчи она жинсларига боғлиқ ҳолда СО<sub>2</sub> карбонатлар миқдорининг турличалиги билан тавсифланади. Карбонатлар миқдори тўқ тусли бўз тупроқларнинг профили бўйлаб 7,81-8,09%, тоғ жигарранг тупроқларда эса 2,18-18,00% оралиғида ўзгаради. Тоғ жигарранг карбонатли тупроқларнинг бутун профили бўйлаб карбонатларнинг юқори миқдордалиги хосдир. Бўз тупроқлар минтақасининг эскидан суғориладиган бўз-ўтлоқи, ўтлоқи-бўз, ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқи тупроқларининг ҳайдалма қатламида

карбонатлар миқдори юқори эмас (2,42-5,84), бу узок муддат суғориладиган тупроқлар шароитида уларнинг пастки қатламларга ювилиши билан боғлиқ. Ушбу тупроқлар профили бўйлаб карбонатлар миқдори бир текисда тақсимланган ва қуйи қатламларда бирмунча ошади (4,25-7,19%). Чўл минтақасининг суғориладиган тупроқлари профили бўйлаб карбонатлар кенг миқдорларда, яъни 4,30 дан 11,17% гача ораликда ўзгариб туради.

Сурхон-Шеробод водийси тупроқларидаги шўрланиш жараёнини ўрганишга оид маълумотларга кўра, ҳудуднинг тоғ минтақаси тупроқлари шўрланмаганлиги, бўз тупроқлар минтақасининг суғориладиган оч тусли бўз, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқлари кучсиз ва ўртача шўрланганлиги кузатилди. Шўрланиш даражасига кўра, ҳудуднинг чўл минтақасида шўрланмаган тупроқлардан тортиб кучли шўрланган тупроқларгача кузатилади. Шўрланиш типига кўра, хлорид-сульфатли ва сульфатли типга мансублиги кузатилди.

Диссертациянинг «Тадқиқот ҳудуди тупроқларининг биологик фаоллиги ва уларнинг мавсумий динамикаси» деб номланган тўртинчи бобида микроорганизмлар миқдори, ферментлар фаоллиги ва нафас олиш жадаллигининг макон-замонда ҳамда деградация жараёнлари таъсирида ўзгаришини ўрганишга оид кенг қамровли маълумотлар келтирилган.

Ўрганилган микроорганизм гуруҳларининг тақсимланиши ва миқдорий ўзгариши тупроқ типи ва типчаларининг географик жойлашуви, генетик хусусиятлари, органик моддалар билан таъминланганлигига кўра турлича тафовут қилди (1-расм).



1-расм. Сурхон-Шеробод водийси тупроқларида микроорганизм гуруҳларининг тақсимланиши

Тоғ жигаранг ва бўз тупроқлар минтақасининг суғориладиган тупроқларида аммонификаторлар улуши устунлик қилди. Чўл минтақаси тупроқларида эса ноқулай шароитларда ривожланишга қодир актиномицетлар ва анаэроб шароитда ривожланувчи мой кислотали бактериялар улуши ортиши кузатилди. Бу ҳолатни микроорганизмлар сукцессияси билан изоҳлашимиз мумкин, яъни бактериялар ва замбуруғлар ривожланишига шўрланиш катта таъсир кўрсатиши туфайли уларнинг миқдори кескин камаяди. Бу эса актиномицетлар ва мой кислотали бактериялар ривожланиши учун айти муддао бўлади. Қолган микроорганизм гуруҳлари барча тупроқларда кам миқдорда учради.

Қулай агрохимёвий ва агрофизикавий хоссалари тоғ жигаранг типик тупроқларини юқори микробиологик фаоллигини таъминлайди. Ушбу тупроқларда бўз тупроқлар ва чўл минтақаси тупроқларига нисбатан микробиологик жараёнлар фаол бориши кузатилади (1-жадвал). Аммонификаторлар миқдорининг юқорилиги аммонификация жараёнини фаоллигини кўрсатади ва бу тупроқда кўп миқдорда органик модда мавжудлигидан далолат беради. Аммонификация жараёнининг фаоллиги ўз навбатида нитрификаторларни жадал ривожланишини таъминлайди. Нитрификаторлар миқдорини ортиши ўсимликларни азотли озиқланишини яхшилади. Тупроқларни азотнинг минерал шакли билан таъминланиши целлюлозапарчаловчи микроорганизмларни ривожланишига қулай имкон яратса, целлюлозани жадал парчаланиши эса азотфиксаторларни фаоллашувига олиб келади.

#### 1-жадвал

#### Сурхон-Шеробод водийсининг тоғ жигаранг типик ва бўз тупроқларида микроорганизм гуруҳларининг миқдори (1г тупроқда мингта ҳисобида)

Чуқур-лиги, см	Аммонификаторлар	Замбуруғлар	Актиномицетлар	Нитрификаторлар	Азотфиксаторлар	Аэроб целлюлоза парчаловчи микроорганизмлар	Мой кислотали бактериялар
<b>Тоғ жигаранг типик тупроқ</b>							
0-15	3900	284	875	95	200	40	30
15-30	2270	175	670	40	115	25	16,5
30-50	1580	120	495	25	75	11	9
50-70	700	53	264	9	30	6	4
<b>Лёсс ётқизикларида шаклланган тўқ тусли бўз тупроқ</b>							
0-15	1040	51	110	15	30	9	11
15-30	800	30	64	11	16	4	7,5
30-50	355	19	35	6,5	7,5	1,4	4,5
50-70	197	13	20	2,5	3	-	2
<b>Эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқ</b>							
0-15	2605	128	650	45	75	40	35
15-30	2070	87	434	30	45	25	20
30-50	1425	58	296	20	25	16,5	14
50-70	1061	37	143	11,5	9,5	9	9
<b>Янгидан суғориладиган типик бўз тупроқ</b>							
0-15	884	44	491	9,5	15	11,5	4,5
15-30	501	30	360	6,5	10	6,5	3
30-50	401	22	218	3	6,5	3	1,5
50-70	254	12	110	1,4	3	1,5	0,6

Бўз тупроқлар минтақаси тупроқлари профили бўйлаб аниқланган микроорганизм гуруҳлари миқдорининг тақсимланиши уларнинг суғориш давомийлигига боғлиқ ҳолда ўзгаради (1-жадвал). Эскидан суғориладиган тупроқларнинг бутун профили бўйлаб янгидан суғориладиган ва янгидан ўзлаштирилган тупроқларга нисбатан микроорганизмлар миқдорининг юқорилиги кузатилади. Бу ҳолатни эскидан суғориладиган тупроқлар узок муддат органик ва минерал ўғитлар қўлланиши натижасида микроблар ривожланиши учун озиқа манбалари билан яхши таъминланганлиги туфайли микроорганизмлар чуқур қатламларга кириб бориши билан изоҳлаш мумкин.

Тадқиқот натижаларига кўра, чўл минтақасининг суғориладиган тупроқларининг турли даражада шўрланганлиги, гумус ва озиқа элементлари билан кам таъминланганлиги, шунингдек юқори зичлашганлиги сабабли ушбу тупроқларнинг профили бўйлаб микроорганизмлар суғориш ривожланганлиги кузатилди. Айниқса, суғориладиган сур-қўнғир, тақирсимон-ўтлоқи, ўтлоқи кумли-чўл ва ўтлоқи-чўл тупроқларининг ҳаттоки устки қатламларида ҳам барча микроорганизм гуруҳлари жуда кам миқдорда бўлиб, қуйи қатламларида эса айрим гуруҳлари умуман учрамаганлиги кузатилди (2-жадвал).

2-жадвал

**Сурхон-Шеробод водийсининг чўл минтақаси тупроқларида микроорганизм гуруҳларининг миқдори (1г тупроқда мингта ҳисобида)**

Чуқур-лиги, см	Аммонификаторлар	Замбуруғлар	Актиномицетлар	Нитрификаторлар	Азотфиксаторлар	Аэроб целлюлоза парчаловчи микроорганизмлар	Мой кислотали бактериялар
Суғориладиган тақир-ўтлоқи тупроқ							
0-15	1060	81	880	11,5	11	10	20
15-30	705	46	588	7,0	9,0	6,0	10
30-50	304	27	343	3,5	3,5	3,5	6,5
50-70	120	13	128	1,5	2	1,5	2,5
Эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқ							
0-15	1890	150	1390	30	45	40	65
15-30	1380	102	884	16,5	25	20	30
30-50	810	84	626	9	11,5	10	16,5
50-70	405	55	376	4	7,5	4,5	9
Янгидан суғориладиган сур-қўнғир тупроқ							
0-15	485	13	550	2,0	2,5	3,0	4,0
15-30	170	9	330	0,7	1,5	1,6	2,5
30-50	80	5	214	0,3	0,6	1,0	1,1
50-70	40	3	110	-	0,1	0,1	0,1
Эскидан суғориладиган ўтлоқи-тақир тупроқ							
0-15	910	71	768	9,5	11,5	10	16
15-30	580	38	593	4,5	7,5	7	10
30-50	260	16	236	2,5	4	3,5	6,5
50-70	101	11	120	0,9	1,6	1,5	3
Суғориладиган ўтлоқи кумли-чўл тупроқ							
0-15	500	14	563	2,0	4,5	2,5	3,5
15-30	201	8	336	0,6	2,5	1,4	1,2
30-50	82	6	118	0,1	1,2	0,7	0,9
50-70	41	2	81	-	0,3	0,3	0,3

Бизга маълумки, микроорганизмлар тупроқ-экологик шароитларининг ўзгаришига ўта сезгир индикаторлар ҳисобланади. Ҳудуд тупроқларининг турли даражада эрозияланганлиги ва шўрланганлиги микроорганизмлар ривожланишининг асосий чекловчи омилларидан ҳисобланади. Эрозияланиш ва шўрланиш даражаси ортгани сайин уларнинг миқдори кескин камаяди.

Деградация жараёнлари натижасида ўрганилган тупроқларнинг асосий агрокимёвий, агрофизикавий ва микробиологик хоссаларини ўзгариши уларнинг ферментатив фаоллигида ҳам ўз ифодасини топади.

Сахарозани гидролитик парчаланиш реакцияларини катализловчи инвертаза тупроқнинг унумдорлик даражаси ва биологик фаоллигини ифодалайди. Шу боис, инвертаза фаоллиги тупроқларнинг органик моддалар билан таъминланганлигига боғлиқ равишда тоғ ва тоғолди тупроқларида 1г тупроқда 1,80-23,2, бўз тупроқлар минтақасининг суғориладиган тупроқларида 2,45-7,10, чўл минтақаси тупроқларида эса 1,28-3,27 мг глюкоза оралиғида ўзгариб туради.

Фосфатаза фаоллиги тупроқларда органик ва минерал шаклдаги фосфор миқдорига боғлиқ бўлиб, тоғ ва тоғолди тупроқларида 100г тупроқда 0,70-7,20, бўз тупроқлар минтақасининг суғориладиган тупроқларида 1,80-3,20, чўл минтақаси тупроқларида эса 0,50-1,30 мг  $P_2O_5$  ни ташкил этади.

Тупроқдаги мочевиани аммиак ва карбонат ангидрид газигача парчаланишини катализловчи уреаза фаоллиги тоғ ва тоғолди тупроқларида 10г тупроқда 1,14-5,72, бўз тупроқлар минтақасининг суғориладиган тупроқларида 1,12-4,70, чўл минтақаси тупроқларида эса 0,16-0,69 мг  $NH_3$  ни ташкил этади.

Каталаза ферменти тупроқда турли биокимёвий жараёнлар натижасида тўпланадиган  $H_2O_2$  ни сув ва молекуляр кислородгача парчалашда иштирок этади. Каталаза фаоллиги тоғ ва тоғолди тупроқларида 1г тупроқда 0,98-15,4, бўз тупроқлар минтақасининг суғориладиган тупроқларида 3,20-5,04, чўл минтақаси тупроқларида эса 1,9-4,3  $cm^3 O_2$  ни ташкил этади. Чўл минтақаси тупроқларида каталаза фаоллигининг пастлиги ушбу тупроқларда тирик организмлар учун зарарли ҳисобланган  $H_2O_2$  ни тўпланаётганидан далолат беради.

Фенолоксидаза ферментлари тупроқда гумус моддаларини парчаланиши-синтези жараёнларининг йўналишини тавсифловчи оксидланиш-қайтарилиш реакцияларини амалга оширади ва уларнинг нисбати бўйича гумификация коэффицентини ҳисоблаш чиқиш мумкин. Пероксидаза фаоллиги тоғ ва тоғолди тупроқларида 1г тупроқда 1,34-10,2, бўз тупроқлар минтақасининг суғориладиган тупроқларида 1,30-4,23, чўл минтақаси тупроқларида эса 2,60-3,29 мг пурпургалинни ташкил этади. Полифенолоксидаза фаоллиги эса тоғ ва тоғолди тупроқларида 100г тупроқда 1,10-11,4, бўз тупроқлар минтақасининг суғориладиган тупроқларида 1,30-4,23, чўл минтақаси тупроқларида эса 1,80-5,80 мг пурпургалин оралиғида ўзгариб турди. Гумификация коэффицентини ўрганилган тупроқларда 0,6-2,3 оралиғида ўзгариб туради.

Ўрганилган деярли барча ферментлар фаоллиги, асосан, устки энг биологик фаол қатламларда намоён бўлди. Бироқ, айрим кесмаларнинг куйи қатламларида карбонатлар миқдорига боғлиқ ҳолда каталаза фаоллиги бирмунча ошганлиги кузатилди. Тупроқ профили бўйлаб ўрганилган ферментлар фаоллиги тупроқ микроорганизмлари миқдорига нисбатан бир текис камаяди.

Ўрганилган ферментлар умумий фаоллигининг ўзаро нисбатига кўра ҳудуд тупроқларида гидролазаларга нисбатан оксидаза ферментлари улуши ортиши кузатилди. Бу ҳолат бир томондан тадқиқот ҳудуди иқлимнинг қуруқлиги билан, бошқа томондан эса ишлов берилиши натижасида ҳайдалма қатламда аэрация жараёни яхшиланиши оксидоредуктаза ферментлари фаолиятини фаоллаштириши билан изоҳлаш мумкин.

Эрозияланиш даражаси тупроқларда ферментлар фаоллигини хилма-хиллигини таъминлади. Ювилиб тўпланган ва ювилмаган тупроқлар қулай тупроқ шароитларига эгаллиги боис ферментлар фаоллиги бу ерда ювилган тупроқларга қараганда юқорилиги кузатилди. Шўрланиш даражаси ортиши тупроқларнинг ферментатив фаоллигини камайишига олиб келди.

Тупроқнинг нафас олиш жараёни мураккаб биокимёвий жараён бўлиб, ўрганилган ҳудуд тупроқларидан  $\text{CO}_2$  газини ажралиб чиқиши бир қатор омилларга, жумладан тупроқдаги органик модда миқдорига, тупроқларнинг кимёвий ва физикавий хоссаларига, микрофлоранинг миқдорига ва гидротермик шароитларга боғлиқ ҳолда кенг миқдорларда ўзгариб турди, яъни тоғ ва тоғ олди тупроқларининг устки қатламида 10г тупроқда 3,6-11,2, бўз тупроқлар минтақасининг суғориладиган тупроқларида 3,2-8,1, чўл минтақаси тупроқларида 2,2-6,0 мг  $\text{CO}_2$  оралиғида тебраниб турди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки,  $\text{CO}_2$  газини ажралиб чиқиши ҳам қуйи карбонатли қатламларда сезиларли ошиши кузатилди (10г тупроқда 12,6-16,7 мг  $\text{CO}_2$ ), бу ҳолат айниқса тоғ жигарранг карбонатли тупроқларнинг жанубий экспозициясида яққол намоён бўлди. Чўл минтақаси суғориладиган тупроқларида нафас олиш жадаллиги тоғ ва бўз тупроқлар минтақаси тупроқларига нисбатан анча суст эканлиги кузатилди.

Ўрганилган ҳудуднинг гидротермик шароитларига боғлиқ ҳолда тоғ ва тоғ олди тупроқларида биологик жараёнлар, асосан, баҳорда фаол боради, йилнинг (ёз, куз) қолган мавсумларида биологик жараёнлар ноқулай ҳарорат ва намнинг етишмаслиги каби чекловчи омиллар туфайли сусаяди. Бўз тупроқлар минтақасининг суғориладиган тупроқларида биологик жараёнларнинг мавсумий динамикаси сезиларсиз эканлиги кузатилади. Чўл минтақаси тупроқларида биологик жараёнларнинг бориши учун энергетик заҳиралар чекланган.

Шунингдек, тадқиқотлар давомида тупроқларнинг биологик фаоллиги билан агрокимёвий ва физикавий хоссалари ўртасидаги ижобий корреляцион боғлиқликлар мавжудлиги аниқланган. Биологик фаоллик билан гумус ўртасидаги корреляция коэффициенти  $r=0,85-0,97$ , умумий азот  $r=0,75-0,93$ , фосфор  $r=0,76-0,95$  ва калий  $r=0,72-0,93$ , тупроқ ғоваклиги ва


микроорганизмлар ўртасидаги корреляция коэффициенти  $r=0,67-0,86$ , ферментлар ўртасида эса  $r=0,74-0,90$  оралиғида ўзгариб туради.

Диссертациянинг бешинчи боби «Тупроқ экологик-биологик ҳолатининг интеграл кўрсаткичлари ва умумий биологик фаоллиги асосида тупроқлар биодиагностикаси» деб номланган бўлиб, ушбу бобда тупроққа табиий ва антропоген таъсир даражасини аниқлаш, деградацияга учраган тупроқлар унумдорлиги диагностикаси ва индикациясида биологик услублардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигига оид маълумотлар келтирилган.

Тупроқнинг биологик диагностикаси тупроқ қопламига деградация таъсирининг характери ва даражасини аниқлаш, тупроқда кечаётган ўзгаришлар тўғрисида тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Бироқ, бунинг учун умумий биологик фаоллик қанчалик даражада ўзгарганлигини баҳолаш имконини берувчи ягона кўрсаткич зарур. Шу мақсадда К.Ш.Казеев ва бошқалар (2003) томонидан таклиф этилган тупроқнинг экологик-биологик ҳолатининг интеграл кўрсаткичи (ТЭБҲИК) тупроқ-экологик ва географик тадқиқотларда самарали қўлланилмоқда. Мазкур услуб ҳар хил бирликларда ифодаланган кўрсаткичларни ўзаро солиштиришда қийинчиликлар юзага келиши туфайли турли хил кўрсаткичларнинг нисбий қийматларини умумлаштириш имконини беради.


Шу муносабат билан ўрганилган ҳудуд тупроқларини биодиагностика қилиш мақсадида биологик фаолликнинг информатив кўрсаткичлари, яъни гумус, микроорганизмларнинг экологик-трофик гуруҳлари миқдори, ферментлар фаоллиги, тупроқ нафас олиш жадаллиги кўрсаткичларидан фойдаланилди.

ТЭБҲИК қийматига кўра ўрганилган тупроқларнинг умумий биологик фаоллиги даражаси баҳоланди. Баҳолаш натижаларига кўра, тоғ ва тоғ олди тупроқларининг умумий биологик фаоллиги эрозия жараёнларининг рўй бериши ва тупроқ типларининг хосса-хусусиятларига боғлиқ равишда жуда юқоридан (81-100%) тортиб то юқори (61-80%), ўртача (41-60%) ва паст (21-40%) даражагача, айниқса учламчи давр ётқизикларида шаклланган тўқ тусли бўз тупроқларнинг биологик фаоллиги жуда паст даражада (<20%) эканлиги аниқланди (2-расм).




2-расм. Сурхон-Шеробод водийси тоғ ва тоғ олди тупроқларида ТЭБҲИК қиймати, %: 1-тоғ жигарранг типик тупроқ; 2-тоғ жигарранг карбонатли тупроқ; 3-лесс ётқизикларида шаклланган тўқ тусли бўз тупроқ; 4-учламчи ётқизикларда шаклланган тўқ тусли бўз тупроқ.

ТЭБҲИК қиймати бўйича бўз тупроқлар минтақаси суғориладиган тупроқларнинг умумий биологик фаоллиги даражаси ерлардан инсонларнинг хўжалик фойдаланиши, суғориш давомийлигига боғлиқ равишда турлича бўлиб, эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқлар юқори (61-80%), эскидан суғориладиган ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар ўртача (41-60%), қолган тупроқ типлари эса паст даражада умумий биологик фаолликка эга эканлиги аниқланди (3-расм).



**3-расм.** Сурхон-Шеробод водийси бўз тупроқлар минтақасининг суғориладиган тупроқларида ТЭБҲИК қиймати, %: 1-эскидан суғориладиган ботқоқ-ўтлоқи тупроқ; 2-эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқ; 3-эскидан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқ; 4-янгидан суғориладиган типик бўз тупроқ; 5-эскидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқ; 6-суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқ.

